



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (11.838)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Марғилон шаҳрида «Баркамол авлод» ёшлар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марғилон шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида бунёд этилган мазкур мажмуа замонавий усулда жиҳозланди. Бу ерда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг, маҳалла ёшларининг илмий, техникавий, бадий қобилиятини ривожлантириш, санъатга ва бадий ижодга қизиқшини рағбатлантириш, ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш учун барча шароит яратилди. Мажмуада «уста-шогирд» мактабининг йўлга қўйилиши натижасида ёшлар миллий унармандчилик сирларини ўрганмоқда. Кўркам спорт залида қатор спорт турлари бўйича тўғарақлар иш бошлади.

● Москва шаҳридаги санъат ҳодимлари ижодий марказида Николай Корниловнинг «Менинг Қорақалпоғистоним» номли миллий кўргазмаси очилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Россия маданияти вазири вакиллари, маҳаллий жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакиллари, олим ҳамда журналистлар иштирок этди.

● «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Фермер хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

● Пастдарғом туманидаги Чархин ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи жамоаси янгиликка қўл урди. Гап шундаки, коллеж қошида кичик тикувчилик цехи ташкил этилди. Ўқув масканида эғаллаган билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаётган ўқувчилар бу ерда ўзлари тайёрлаган 2,5 миллион сўмлик дастлабки бежирим либосларни ички бозорга чиқаришди. Шунингдек, маскан қошида ярим гектарлик майдонда боғ барпо этилган. Паррандачилик фермаси ҳамда мўъжаз иссиқхона ҳам коллеж ўқувчилари юритишмоқда.

● Бухоро шаҳрида ичимлик суви билан таъминловчи Шохруд иншооти реконструкция қилиниб, бу ерда бир кеча-кундузда 100 минг метр куб сувини тиндириш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди. Шунингдек, 114 километр узунликдаги сув қувурлари тўлиқ янгиланди. Эътироф этиш керакики, Жаҳон банкининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида 18 миллион 17 минг АҚШ доллариллик сармоя сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Саппоро шаҳрида дунё ҳаваскор ҳайкалтарошларининг қор фестивали очилди. Фестивалда моҳир усталар шу ернинг ўзига қор ва муздан турли санъат асарлари ясаб, томошабинларга ҳавола этди. 1950 йилдан бунён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир аллақачон аънана тусига кирган. Унда иштирок этиш учун ҳар йили миллионлаб сайёҳлар Японияга ташриф буюришади.

● АҚШ собиқ президенти кичик Жорж Буш Исроил хайрия жамғармаси Швейцарияда ташкил этган тадбирда иштирок эта олмаслигини маълум қилди. Бунинг боиси, Европа инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ташриф пайтида собиқ президентга қарши оммавий норозилик намойишлари ўтказишни режалаштирганлигидир. Маълумотларга қараганда, Швейцария судига Жорж Бушга қарши 2500 дан ортик даъво аризаси келиб тушган. Бу унинг аэропортдаёқ ҳибсга олинишига етарли асос бўла олади. Унга қўйилаётган айблардан бири Гуантанамодаги асирларга ноинсоний муносабатда бўлиганина масаласидир.

● Жанубий Судан маъмурияти мустақилликни қўлга киритгач, маҳаллий аҳоли янги пойтахт бунёд этишга киришди. Ҳозирги маъмурий марказ Жуба кўп жиҳатдан пойтахт талабларига жавоб бермаслиги таъкидланмоқда. Бунга аввало шаҳарнинг географик жиҳатдан ноқулай ҳудудда жойлашгани рўқач қилинмоқда. «Судан Трибюн» газетаси эизишича, янги пойтахтни қуриш учун камида беш йил кетади. Кўпчилик мутахассислар дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири Жанубий Судан бу лойиҳани амалга ошириши учун ўнлаб йиллар кетишини айтмоқда. Жанубий Судан раҳбарияти 9 июлни — мустақиллик куни деб белгилади.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Кунчиқар юрт халқларининг дўстлик ришталари, савдо ва маданий алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўлининг ривожланган даврларига бориб тақалади. Ушбу мамлакатнинг энг шарқий нуқтаси япон императорларининг кўҳна пойтахти Нара шаҳри бўлиб, 2010 йилнинг октябрь ойида мазкур шаҳарнинг 1300 йиллиги кенг нишонланди. Кушон давлатининг энг эътиборли динларидан бири саналган буддавийлик эраизмининг I-VI асрларида Ўзбекистон ҳудудида тарқалиб, кейинчалик Урта Осиё халқларининг қадриятлари ва аънагалари билан бойиган ҳолда, Хитой ва Корея яриморали орқали Япония оролларида бориб етгани икки халқ ўртасида умумий тарихий илдизлар мавжудлигига далилдир. Япониянинг машҳур мусаввири, Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси Икуо Хирояманнинг «агар Япония буддавийлик маданиятининг шарқий томони бўлса, у ҳолда кўҳна Ўзбекистон замини унинг гарбий томонидир», деган сўзлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқларимиз ўртасидаги узоқ ўтмишга бориб тақалувчи яқин алоқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда эътироф этди ва 1992 йил 26 январдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Мустақиллик эълон қилинганда сўнг Ўзбекистон — Япония муносабатлари сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. 1994 йилнинг май ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Японияга уюштирган дастлабки расмий ташрифи ўзаро ишонч ва икки мамлакат халқларининг маънавий қадриятларига нисбатан ҳурматга асосланган дўстона алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Мамлакатимиз Президентининг 2002 йил июль

ойида Японияга уюштирган иккинчи ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнот имзоланди. Ҳужжатда томонларнинг дўстона муносабатлар ва стратегик шерикликни тенглик, ўзаро ҳамжихатлик тамойилларига мувофиқ ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари асосида ривожлантиришга тайёрлиги ўз ифодасини топган. Савдо-сотик, сармоялар, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Япония бош вазири Жюньитиро Коидзумининг 2006 йил август ойида мамлакатимизга уюштирган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки бўлди. Ўзбекистон ва Япония турли халқаро аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда яқиндан

ҳамкорлик қилиб келмоқда ва дунё сиёсатининг кўплаб масалаларида ўхшаш нуқтаи назарга эга. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хафсизлик Кенгашининг доимий аъзоллигига қабул қилинишини қўллаб-қувватлайди. Япония, ўз навбатида, Президент Ислам Каримовнинг Урта Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этишга оид таклифини маъқуллаган.

Мамлакатларимизнинг сиёсий соҳадаги алоқалари ҳақида гап кетганда, Япониянинг Урта Осиё мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга доир ташаббусларини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий аҳамияти эътирофи ўлароқ ҳамда мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар доирасида Япония 2004 йилда «Марказий Осиё + Япония» мулоқот шаклидаги ҳамкорликнинг янги босқичини илгари сурди. У қуйидаги бешта йўналишни: сиёсий мулоқот, минтақа ичидаги ҳамкорлик, савдо ва сармоявий ҳамкорликни рағбатлантириш, интеллектуал мулоқот, маданий алоқалар ва инсон ресурслари алмашуви каби соҳаларни ўз ичига олади.

Терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг тарқалишига қарши кураш, атропо-муҳит муҳофазаси, минтақада савдо ва сармоялар ҳажмини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар қисқа ва ўрта мuddатли вазифалар этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазати шохсида эришилаётган бундай ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу борадаги ютуқларини кўнгина мамлакатларга намунавий модель сифатида тавсия этди, Европа ҳудудий комиссиясининг 60-сессиясида мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ижроия кўмитасига сайланди. Бу Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги хайрли ташаббусларини халқаро майдонга олиб чиқишга кенг йўл очди.

Анжуманда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишда соғломлаштириш ҳафталикларининг аҳамияти, хомилалар аёллар скрининги, юқумли касалликлар профилактикаси, педиатрия хизматини ривожлантириш ва болаларни тиббий кўрикка жалб этиш борасидаги илгор тажрибаларга оид маърузалар тингланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ф.Ақбарова, А.Арипов сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидандир. Бунга ички ишлар идоралари, жумладан, жойлардаги милиция таянч пунктлари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Милиция таянч пунктлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилётган эътибор юртимизда, маҳаллаларда осуда ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган аънавий «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тадбир орқали энг илгор тажриба ва ютуқлар милиция таянч пунктлари ўртасида оммалаштирилади.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ушбу танловнинг 2010 йилги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлубов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячисига айланганини алоҳида таъкидлади. Бугун юртимизда 3,5 мингдан ортик милиция таянч пункти тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда фаол иш олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимиздаги академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишланган республика амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда тегишли давлат, жамоат, ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, таълим, маҳалла тузилмаси ва касба уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов ва бошқалар юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарор ва фармонлари, давлат дастурлари миллимиз геонфондини мустаҳкамлаш, халқимиз умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола

Қарор ва ижро

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида жойларда мунтазам равишда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа бирламчи тиббиёт муассасаларида фертил ёшдаги аёллар, оналар, болалар ва ўсимир йигит-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Тиббий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида ўн икки минг нафардан зиёд патронаж ҳамшираси, саккиз минг нафардан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болалар-

га тиббий хизмат кўрсатишнинг янги технологиялари асосида малака ошириди. Шунингдек, уларга пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, вилоятлардаги етакчи клиникалар шифокорлари кенг жалб этилаётир. 2010 йилда олти юз нафардан зиёд ана шундай мутахассис қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, аҳолини, жумладан, туғруқ ёшдаги аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказди. Бундай чора-тадбирлар натижасида юртимизда оналар ва болалар ўлими кескин камаймоқда. Туғма ва ирсий касалликлар қарийб икки баробар қискарди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 200-мактабда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази ташаббуси билан улғу мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуд топган кунга бағишлаб «Ҳазрат Навоий — 570 ёшда» деб номланган тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги 544-маҳсус мактабгача таълим муассасасида Алишер Навоий таваллудига бағишлаб «Ҳазрат Навоийнинг султони» мавзусида навоийхонлик кечаси ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетиде шаҳар ИИББ ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ходимлари ва талаба-ёшлар иштирокида «Ёшлар орасида гиёванд воситаларининг тарқалишига қарши кураш» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

2010 йил 7 августда Тошкентда мажбури Мулоқотнинг Япония ташқи ишлар вазири Кацүя Окада иштирокидаги Ташқи ишлар вазирилари учинчи йилги муваффақиятли ўтди.

Икки мамлакат ўртасида парламентларо ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган бўлиб, у жадал ривожланмоқда. Япония парламенти «Япония демократик партияси — Ўзбекистон» ва «Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон» дўстлик лигалари ташкил этилган. Ўзбекистон парламенти Кунунчилик палатаси таркибида эса «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония Парламенти» парламентларо гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

2010 йилнинг декабрида Токиода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг делегацияси иштирокида биринчи парламентларо форум ўтказилди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлини кенгайтириш бўйича ҳам илҳомли аҳваплар кузатилаётган. 2009 йилда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо айланмаси 139 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистонга Япония томонидан ажратилган молиявий маблағлар ҳажми 2,3 миллиард АҚШ долларидан иборатдир.

Иқтисодий ҳамкорликка доир 1994 йилда тузилган Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталари иқтисодий муносабатларнинг ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу икки кўмита томонидан доимий равишда ўтказиб келинаётган қўшма тadbирлар доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилиши ҳамда Ўзбекистон билан Япониянинг ушбу йўналишлардаги алоқаларини чуқурлаштиришга оид аниқ тақлифлар ўртага ташланади. Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталарининг навбатдаги ўзини йилги жорий йилнинг 8 февраль кунин Токио шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

1999 — 2001 йиллар давомида Тошкентда Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) минтақаларо ваколатхоналари ҳамда бегараз техник ёрдам кўрсатиш, иккала томон ишбилармон ва ижтимоий доиралар вакиллари ўртасида алоқалар ривожланиши, шунингдек, гуманитар соҳадаги ҳамкорлини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилувчи Ўзбекистон — Япония маркази очилди.

Ўзбекистонда Япония сармоясини кўпайтиришга йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан мамлакатимизда «Мицуй», «Мицубиси», «Иточу», «Марубени» ва бошқа шунга каби дунёга машҳур япон корпорацияларининг ваколатхоналари очилди. Иқтисодий йўналишдаги сўнгги муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан бири сифатида Самарқанд автомобил заводида «Исузу» русумли автобус ва юк машиналарининг ишлаб чиқарилаётганлигини келтириш мумкин.

Япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда бир қатор инфрақурилиш лойиҳалар амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар қўламини ҳақида гапирганда, 2007 йили ишга туширилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли йўналишини санаб ўтиш ўринлидир.

Икки давлат ўртасида сармоялар киритиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш ишлари ҳам изчил равишда амалда. 2009 йил сентябр ойида «Сармояларни либерализация ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш тўғрисида» ҳукуматларо келишув кучга кирди.

2010 йил апрелда Токио шаҳрида «Япониялик ҳамкорлар учун Ўзбекистондаги янги сармоявий имкониятлар» мавзусида тақдимот маросими бўлиб ўтди ва унда Япония корпорациялари, вазирилари, муассасалари ҳамда сиёсий доираларининг 400 нафардан зиёд вакиллари иштирок этди.

2010 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Япония ўртасида «Толлимаржон» иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш учун 300 миллион АҚШ долларини миқдорда маблағ ажратиш борасида имзоланган битим генерациянинг самарадорлигини 30 фоиздан 50 фоизгача ошириш ҳамда углеродлар эмиссиясини қисқартиришга хизмат қилади.

2001 йил апрель ойида бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида тўғридан тўғри авиакатновларнинг йўлга қўйилиши халқларимизнинг яқинлашуви ва мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашинувининг ўсишига хизмат қилувчи омиллардан бири бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳам самарали ҳамкорлик ривожланмоқда. Охирги пайтларда Японияда ўзбек санъат усталарининг бир қатор маданий тadbирлари ўтказилди. Хусусан, Япония парламентида ташкил этилган «Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги» мавзусидаги фотокўргазма: «Буюк Ипак йўли» мавзусига бағишланган туркум тadbирлар: «Фукушима — Ўзбекистон» уюшмасининг ташкил толган кунин билан бир вақтда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари; «Японияда ўзбек киноси кунлари»; «Jata World Tourism Congress And Travel Fair — 2010» халқаро сайёҳлик кўргазмаси доирасида «Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимот маросими» каби тadbирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

2002 йил Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовга Васеда ва Сока университетларининг фахрий доктори унвонлари берилди. Ўзбек маданиятига хурмат юзасидан ва буюк қалам соҳибининг ўчмас ижодини эътироф этган ҳолда, 2004 йил Сока университети ҳудудида атоқли шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг хайкали ўрнатилди. Ҳар йили 9 февраль кунин ушбу университетда газал мулкнинг султони хайкали пойида «навоийхонлик кечаси» ўтказилади.

Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий мероси, тарихи ва меъморий ёдгорликларини чет элда ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасидаги улкан, шунингдек, икки давлат ўртасидаги илмий ҳамкорлини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун 2002 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Фармонида кўра, Япониянинг таниқли археолог олим ва жамоат арбоби Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Таълим соҳасида Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўрнатилган ўзаро муносабатлар хусусида гап кетганда, шунингдек, таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилувчи ҳуқуқшунослик факультети билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз олий ўқув юрталари ўртасида доимий равишда ўқитувчи кадрлар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. Хусусан, 2000 — 2010 йиллар мобайнида Япония гранти асосида 206 нафар ўзбекистонлик талаба ушбу мамлакатда таълим олди ва давлат бошқарувининг ҳуқуқ, бизнес маъмурияси, банк соҳаси, ахборот технологиялари каби муҳим йўналишлари бўйича магистр даражасига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг 2011 йил 8-10 февраль кунлари Японияга амалга оширилаётган расмий ташрифи давомида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлини чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинади.

Ташриф якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Япония билан турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг Японияга ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ва муваффақиятли ҳамкорлиқнинг янги уфқлари очирилишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тузилмалар ҳузурда турли тўғарақлар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилган. Профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. 2010 йил давомида 2 минг 246 маҳаллада бирор-та ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир.

Мазкур кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, унинг дастлабкиси шаҳар ва туманлар, иккинчи босқичи эса вилоятлар миқёсида ўтказилди. Танловнинг якуний босқичида вилоят босқичларида голибликни қўлга киритган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Тошкент вилояти Қийрай туманидаги «Кўприкбоши» маҳалла фуқаролар йиғини 152-сонли милиция таянч пункти, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги «Тоғлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини 152-сонли милиция таянч пункти, Навоий вилояти Кармана туманидаги «Малик» фуқаролар йиғини 52-сонли милиция таянч пункти, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Ишчилар» маҳалла фуқаролар йиғини 181-сонли милиция таянч пунктлари ўз ҳудудлари бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди. Голибларга «Matiz» автомашиналари топширилди.

Ўзаро ҳамжихатлик, аҳиллик бор жойда хотиржамлик ва кут-баракат бўлади, — дейди танлов голиби, Навоий вилояти Кармана туманидаги 52-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Отабек Саидов. — Давлатимиз раҳбари ташаббус билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Танловда, шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳам аниқланди. Танловнинг «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Ташаббускор маҳалла посбони», «Фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси» номинанциялари бўйича ҳам энг саралар аниқланди. Голибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Транспорт ЯНГИ АВТОБУСЛА ХИСОБИГА

Шаҳримиздаги «12-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти жамоаси учун ўтган самарали якунланди. Корхонанинг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди. Эндиликда транспорт таркиби янги автобуслар ҳисобига бои.

Энг замонавий ва қулай автобус «ersedes-Бенц»лар харид қилиниб, ахт аҳолисига намунали хизмат кўрсатади. Айни вақтда автосаройдаги транспортчиларнинг қарийб 70 фоизи янгиландив. 130 дан ортиқ автобусдан 60 тасersedes-Бенц», 30 таси «Исузу»дир. Унинг техник хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш бўйича лойиҳалар илғор ҳайдовчилари саенгайиб бормоқда.

ПУХТА РЕЖА АСОСИ

«Тошйўловчи таъмир сервис» акциядорлик компанияси трафт воситаларини сифатли таъмир, уларага техник хизмат кўрсатиш янада яхшилаш борасида қатъи ютуқларни қўлга киритмоқда.

Айни вақтда ҳаракат воситалари иби бирмунча янгиланди. «ДЭУ» ва «ПАЗ»умли автобуслар умуман хизмат доираси чиқарилди. Эндиликда «Исузу» ва «Мерседес-Бенц» автобусларининг сифат кўрсаткичлари эътибор қаратилмоқда.

Автобус саройларида ҳайдовчи кадртайёрлаш ҳам муҳим вазифа бўлиб туриб янги олинаётган транспорт воситаларида фойдаланиш лозим. Янги автобуслар энг муносиб ҳайдовчиларга бириктирилгани ҳам айни мuddоддир.

Лизинг асосида мўъжаз автобусларид қилиш режаси ишлаб чиқилди.

Ақбариев

GIZ ЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ўз ишини бошлади.

Шу пайтга қадар юртимизда Германия тараққиёт хизмати (DED), Техник ҳарлик бўйича жамияти (GTZ) ва Малака ош ва тараққиёт бўйича халқаро жамияти (InWEnt) фаолият олиб бораётган эди. Халқ ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) 2011 йилнинг январидан ўз ишини бошлади. Ушбу ташкилот Германия ҳукуматида қараб DED, GTZ, InWEnt воситачи ташкилотнинг иштирокида ва кўп йиллик тажрибалари асосида бириктиради.

DED, GTZ ҳамда InWEnt каби ташотлар йиғирма йил давомида ўзбекистонлиқ корлар билан ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга ошириб келмоқда, — деди ғимот маросимида сўзга чиққан Германиянинг ўзбекистондаги Фавқулодда ва муторчиси Вольфганг Нойен. — Бундай иқтисо, ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон билан ю муносабатларимизнинг асоси бўлиб хизм қилади. Яқин келажақда «Мерседес» автслари Ўзбекистонда терилиб ишлаб чиқарилади.

Тақдимот маросимида GIZнинг Тонддаги вакили Армин Хофманн юқоридаги таъкидланган ташкилотларнинг шу қуқадар амалга ошираётган тadbир ва лойиҳалар бундан кейин ҳам давом этаверишини тидлади. — Уларнинг бир ном остида бишиши тараққиёт бўйича ҳамкорлиқнинг саадорлигини оширади, — дея эътироф этди Хофманн.

GIZ федерал ташкилот ҳисоблади. У барқарор тараққиёт йўлидаги халқ ҳамкорликдаги мақсадларга эришишда мадания ҳукуматида кўмаклашади. Бундан таши, GIZ халқаро даражадаги таълим ишлари ҳам фаол иштирок этади. Ушбу ташкилот бутун дунёдаги инсонлар ва жамиятларнинг ўз қарашларини шакллантириш ва турли шароитларини яхшилашга ўз ҳиссасини қўлади. GIZ дунёнинг 130 дан ортиқ давлатларида фаолият юритади. Унинг марказий ислари Бунд ва Эшборн шаҳарларида жашган. Бундан ташқари, Германиянинг бар федерал ўлкаларида ўз бўлимлари ага.

Инобат ЭГАМОВА, «Туркисторесс»

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА


Президентимиз Исрол Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда қатор тadbирлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида ўтказилган ана шундай тadbирда корхона ва ташкилот вакиллари, маҳалла фаоллари ва талабалар иштирок этди.

Тараққиётнинг «ўзбек модели» изчил амалга оширилаётгани туфайли юртимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин ва нуфузга эга бўлди. Мазкур Концепцияда Президентимиз томонидан мамлакатимизни модернизация қилиш ва янада демократлаштиришнинг янги устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодий янада либераллаштириш каби долзарб масалалар қамраб олинган.

Тadbирда Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар, демократик янгиланишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти иштирокидаги батафсил тушунтирилди, — дейди Бектемир тумани Маънавият ва тарғиб маркази раҳбари Гулнора Зайниддинова. — Бундай тadbирлар аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ



Ана шунда ҳар қандай муаммо ечим топиб, чора-тадбирлар режа асосида амалга оширилади, шарт-шароитлар ҳам, хизматлар ҳам, шунга яраша тўловлар ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Муҳандис-механик, тажрибали иқтисодчи Нигматжон Раҳимжонов раҳбарлик қиланган Шайхонтохур туманидаги «Қоратут лидер коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари ҳам «Менинг уйим — менинг мулким» широкига амал қилган ҳолда ўзлари яшаётган уйни асрашга, умумий мулкни сақлашга, ободонлаштириш ишларида фаол бўлишга интилишади. Бунинг натижаси эса бажарилаётган ишларда, улар кўриқда намоён бўлмоқда.

Ширкатимиз тасарруфидаги 7 та тўрт қаватли уйда 368 хонадон мавжуд, — дейди Нигматжон Раҳимжонов. — Ҳар бир уй учун алоҳида кирим-чиқим ҳисоби юритилгани боис ҳам мулкдорлар фойдаланиш харажатлари тўловларини ўзлари учун сарфлаш наётганини жуда яхши билишади. Ўзларининг фикр-мулоҳазалари қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этишини умумий ширкат аъзолари амалий йиғилишлар

Ширкат — ибрат ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

рида фаол иштирок этишмоқда, ширкатга ишончлиги тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси ташкил этилганга уч йил бўлган ширкатда барча ишларнинг режа асосида босқичма-босқич амалга оширилаётганидир. Албатта, биз келишган ҳолда биринчи навбатда долзарб вазифаларга эътибор қаратамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аввало яшовчилар учун намунали хизмат ва яхши яшаш шароитлари муҳимлиги ҳисобга олинади. Ана шунинг назарда тутилган ҳолда кўп қаватли бинода жорий таъмир ишлари муваффақиятли бажарилди, бу иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув таъминотини янада яхшилади, ертўла ва кириш йўлақлари тартибга келтирилди, дархат ва гул кўчатлари ўтказилди, улар ён-atroфлари ободончилигига эришилди. «Шайхонтохур» маҳалласи, шаҳар ва туман ҳокимлиги, ҳомийлар кўмағидан самарали фойдаланган ҳолда янги болаяр ўйин майдончаси бунёд этилиб, замонавий жиҳозларга эга бўлди. Бу

албатта болажонлар ва ота-оналарни беҳад қувонтирди, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Кўзги-қиши мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам ҳар йили режа асосида олиб борилаётгани совуқ кунларда иссиқлик таъминоти кўнгилдагидек бўлишида катта роль ўйнамоқда. Шунингдек, энергия ва ресурслар тежамкорлигини таъминлаш мақсадида хонадонларга совуқ ва иссиқ сув, газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бу, албатта яшовчилар учун ҳам, хизмат кўрсатувчилар учун ҳам фойдали бўлмоқда. Биринчидан, хонадон эгалари аниқ ҳисоб бўйича тўловни амалга ошириб, моддий манфаат кўrsa, иккинчидан, улар газ, сув, электр энергиясига каби бебаҳо неъматлардан исроф қилмай, тежамкорлик билан фойдаланишга одатланишади.


Ширкат ҳодимлари ва уй бошқарувчилари ширкат раҳбарининг энг яқин кўмакчилари ҳисобланади. Камчилиқ-

ларни тугатишда, режадаги ишлар бажарилишини таъминлашда, мулкдорлар билан ҳамжихатликни мустаҳкамлашда уларнинг хизматларини таъкидласа арзийди. Бу борада Ҳасан Турсунқўжаев, Учкун Мўминон сингари йўлбоши ва ширкат ҳодими Александр Баладурин фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг сайёҳаракати билан аҳоли умумий мулкни асраб-авайлашга, тозалашга, тўловларни вақтида удалашга эришилмоқда.

Хозирда ширкат аъзолари ҳамжихатликда жорий йилда амалга оширилаётган вазифалар режасини тузишмоқда. Албатта, бундан биринчи ўринда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг асл мақсади Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўз яшаш жойларини энг намунали уйлар қаторига қўшишдир.

Шарифа ИЛЕСОВА, Алексей Попов олган сурат

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун



«Ер юзида канча инсон, канча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашни тасаввур қилиш қийин», деб ёзди Президентимиз Ислам Каримов «Оқсак маънавият – энгилмас куч» китобиди.

Дарҳақиқат, ҳар кун моддий истакларимизни таъминлашга уринар эканмиз, табиий ва ички бир аҳтиёж билан маънавий қувват излаймиз. Баязан топамиз, гоҳида сув деб ўйлаб, саробга алданамиз ҳам. Бугун ахборот-коммуникация ривожланган замонда компьютер ёки мобил телефон, ёхуд телевизор экранни орқали кўнгул тусанган мавзунинг сарҳад кенгликларидан истаган маълумотни олишимиз мумкин. Аммо уларнинг биронтаси маънавият ўрнини боса олишига ишончи қийин.

Глобаллашув шиддати одамлар, айниқса, ёш авлоднинг диди, тасаввурини ва дунёқарашини занг тушираётган, мурғак қалбларни роботлик ва локаллик гирдобига тортиш хавфи кучаяётган бугунги кунда замон ва макон билмас миллий меросимиз хазинасига, жумладан, Алишер Навоийнинг ўлмас бадиий ҳақиқати ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аҳтиёж сезмақдамиз.

«Она тилига муҳаббат, унинг бекиё бўлиги ва буюклигини англаш туйғуси бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзу инсоний фазилатларини камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз», дея таъкидлайди Юртбошимиз.

Бугун тарихимизда бошлангич таълимдаёқ эзу бобомизнинг асарлари ўргатилмоқда, фарзандларимиз Алишер Навоий ҳикматларини ёд олиб, ҳат-савод чиқармоқда, оқ-қорафори танилмоқда. Зеро, беназир ажодимиз асарлари ҳаёт қомуси каби бизга хамиша тўғри йўлни, ёруғ манзилни кўрсатади, эгрликнинг аянчли оқибатларидан сабоқ беради.

Ҳар қандай вазият ва шариоатда ҳам Навоий каби беназир аждоқларимиз асарларидан ибратли хулоса чиқариб, уларга амал қилиб,

Инсониятнинг шу кунгача босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли эзу мақсадларга фақат узлуқсиз маънавий тарбия билангина эришиш мумкинлигини исботлаб келган. Зеро, маънавият – инсон ҳаётининг асоси, иродани бақувват қиладиган ва виждонни уйғотадиган беқиёс куч, барча дунёқарашнинг муҳим мезонидир.

энг тўғри ҳаётий йўлни танлашимиз мумкин, – дейди Тошкент вилояти оҳангаронлик тадбиркор Абдуҷаббор Абдурахмонов. – Яқинда улғу мутафаккирининг шундай байтини ўқиб қолдим: «Ҳимматсиз киши эр сониди эмас ва руҳсиз бадани киши тирик демас». Бу сатрлар беш ўз йил ўтса-да, худди бугунги кун учун ёзилгандек. Чиндан ҳам, мард киши ҳимматли бўлади, эл-юртнинг оғирини энгил қилишга ҳаракат қилади, бу йўлда масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўқимади. Зеро, ҳиммат кўрсатган кишининг умрида, ишида барака бўлади. Бугунги тадбиркорларимиз фаолиятида ҳам бу эзу тутум ўз ифодасини топмоқда.

Алишер Навоий асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, қаноат, адолат, вафо, му-

зида бўлиши даркор», деб алоҳида таъкидлади.

Халқимиз азал-азалдан бир-бирига елкадош бўлиб, оғирини энгил қилиб яшаб келган. Президентимиз таъкидлаганидек, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт қондасига, турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган. Алишер Навоий фалсафасида ҳам элдан ажралгунча элдан ажралиш манқулроқ эканига қайта ва қайта ургу берилди.

Булут ўз сувларини экинлар униси учун сочгани туйғайли ҳам у «гардунҷаноб» бўлди – юксакликка кўтарилиди, дўл дов-дарактлар мева-сига зарар етказгани учун ҳам қора тупроққа қорилди, дея табиатдаги ҳар бир ҳаракатда инсонлар учун ибрат аломатлари борли-

но тополмаслик, ундан эғлаб фойдалана олмаганилик учун маҳрум бўлишдир.

Одамзот Оллоҳ берган неъматларга шукр қилиш учун, аввало, қавмдошлари меҳнатига, юртдошлари борлигига шукр қилиши лозим. Ҳазрат Навоий ҳам барчасига ўз вақтида улғуриш ва мавжуд воқелиқдан маъно топиб яшаш лозимлигини таъкидлаб, сабот ва ишонч билан интилган одам ҳатто япроқдан илақ, гул баргидан асал яратиши мумкинлигини айтади:

Ҳар кимсаки айламас, ошукмоқни ҳаёл, Яфроқни ифак қилур, чечак баргини бол.

Йўқотган тангаси қайтиб келса ҳам унга ачиниб-ёғлаб умр ўтказадиган кимсалар кеча ё бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Ҳазрат Навоий жавонмардлар – футувват аҳли тутумини ўз манфаатидан кўра ўзга инсонларга наф етказишда ширин сўз билан эҳсон қилиш, одамларга наф келтириш, эл-юртнинг камини тўлғаш инсонийлик гултождир:

«Маҳбуб ул-қулуб»да таъкидлаганидек, «ёруғ жойда шавъ ёққанни ақлдан бегона дейдилар. Бугун туй-ҳашамларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйиб, увол эвазига шон-шўҳрат истаётган кимсалар ҳам бор. Хайр-саховат – ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйиш, муҳтожларнинг оғирини энгил қилиш, дегандир. Бунинг савобини Ҳазрат Навоий «Қаъба вайрон бўлса, уни обод қилиш» билан тенг кўраган, «саховат инсоният бонининг борвар шаҳаридур (сервосил дарактидир), балки ул шаҳарнинг муфид самаридур (фойдали мевасидир)», дейди. Ҳеч бўлмаганда ширин сўз билан эҳсон қилиш, одамларга наф келтириш, эл-юртнинг камини тўлғаш инсонийлик гултождир:

Муруват барча бермақдур, емак йўқ, Футувват барча қилмақдур, демак йўқ.

Инсон қалби, таъбир жоиз бўлса, мангу кураш майдони. Дунёдаги ҳар қандай ақида ва тушулча одам кўнглида ўзини фож қилиб қўяди, оғизу мукамал хижатини намойиш этади. Улғу бобомиз ҳикматларида ҳам олам ўзгарини учун, аввало, одам, унинг қалби, мезонлари ва дунёқарашини ўзгарини лозимлиги ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган фикрлар билан исботлаб берилган:

Ўз вужудинга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсан, ўзиндан истагил.

«Эл нейти тоғай мениким, мэн ўзимни топмамон», деган улғу бобомиз эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало, одамзот ўз борлигиди «хирсу хавас хирмонини» барбод, «нафсу хаво қасрини» барфот этиши (ағдариши) лозимлигини ўқтиради.

...Йиллар, асрлар ўтади. Аммо буюк Алишер Навоийнинг боқий мероси, унда улғуланган миллий тутумлар умуммиллий ва умумбаъшарий эзу гоғларни таратиб йилқиверади. На вақт, на макон ва на замон таомиллари даҳл қилолмаган бу беназир маънавий хазина бизга маънавият, дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг эзу эзу гоғларидан сабоқ бераверади. Зотан, ўз ҳаётини умуммиллий қарашлар тизими асосида барпо этган, аждоқлардан мерос муқаддас булоқлардан сув ичиб, томир ёзган авлодларни ҳеч қандай куч энгилмайди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА Шарҳловчиси

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ САОДАТИ

ҳаббат каби азалий ва абадий эзу тушунчалар улғуланади. Инсон маънавиятига хамиша соя солиб келган риё, эътиқодсизлик, ҳасад, кибр каби иллатлар кескин танқид қилинади. Одам учун ҳаётнинг барча сўмоқлари эслатилиб, инсоний камолотга элтиладиган энг тўғри йўллар тавсия қилинади.

«Йигитликни ганимат тутунгиз», деган мутафаккир бобомиз ёшлиқни хазина жамлаш фақли (ўз ҳаётий мезонларини шакллантириш, касб-хунар эгаллаш, моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам салохиятга эга бўлиш)га, қарилликни харжлаш даври (ўз таъриби ва ҳунарини муносиб ворисларига ўргатиш)га қийёлайди.

Шоир назарида бу дунё – эски бир раёт, умр ганимат, вақт шамолдай учур. Ҳаёт тонгини гафлат босиб ҳам, фойдали иш билан ҳам ўтказиш мумкин. Шатранж доналари тарти билан терилмас ва мақсад сари йўналтирилмас экан, уларнинг бир уюм ёғочдан фарқи йўқ. Шундай экан, инсон ўз ҳаётини «улғунинг навобахши бўлиш» йўлида бахшида элса, ўзидан яхши ном қолдирса, чин саодатга эришади.

Ҳазрат Навоийнинг ярим аср муқаддам айтган бу сўзлари бугун ўз ихобатини топаётди. Мамлакатимизда ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, ўз иқтисоди ва салохиятини намойиш этиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тарққитини юксалтириш; халқимиз фароёблигини оширишга хизмат қилади» маърузасида ҳам касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. «2011 йилда касб-хунар коллежларини таъминлайдиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласи эътиборимиз марқа-

гини таъкидлайди мутафаккир бобомиз. Чиндан ҳам, ўз манфаатини эл-юрт равнақи билан бирлаштириш, ён-атрофдаги муваффақиятларни ўз ютуғи, камчиликлари эса ўз муаммоси деб билиш, ўзига лойиқ билганини элдошларига ҳам раво қўриш – юксак инсоний фазилатлардандир. Тўғри йўлдан юрган одам сарв дарахти каби қўқка бўй чўзади, бироқ қўқка бўй чўзган билан мева бермас, сарвининг юксакликка чиққани бефойдадир. Сўз мулкнинг сўлтони «яшироқ бил ани улғу ароким, етса қўқрак нафъ улроққа андин», дер экан, бу жараён ўзаро уйғун ва бутун эканини ўқтиради:

Нафъинг агар халққа бешмақдур, Билки, бу нафъ ўзунга кўрақдур.

Одам ўзига руҳан поклини ва қалбдан улғайишни туйғандагина, ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини англаб боради. «Агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймонини бутун, виждонини уйғок бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?», дея таъкидлайди Юрт-бошимиз «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобиди.

Алишер Навоий назарида иймон, шарқона қарашлар тизимига ҳамоҳанг равишда, суз ва амал бирлигидир. Улғу бобомиз иймон бамисоли бир бино, унинг асослари эса ҳаё, вафо ва саҳийликдан иборат, дейди. Ҳаё (ботинимиздаги «мен» олдида жавобгарлик масъулиятини ҳис қилиб яшаш) ва вафо (кўнгул танлаган йўлдан юришга аҳд қилиш, ҳар қанақа вазиятда ҳам виждонга қарши бормаслик) бирлашган жойдан барқамоллик бошланади. Мукаддас китобларда ёзилишича, иймоннинг аломати балорага сабр, неъматларга шукр қилишга қўрилади. Сабр – мавжудлиқдаги ирода қудрати, қаноат лаззати, шуб-ҳасиллик инояти. Шукр – ақл ва туйғу билан мавжудликдан топишган маъно, етиб келган жойда англаган ҳаловат. Қаноатсизлик эса имкониятдан маъ-

Маънавият

МАКТАБДА АДАБИЙ КЕЧА

Айни кунларда шахримизнинг барча гўшаларида шеърят султони Мир Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд айёми турли учрашувлар, маданий тадбирлар ва анжуманлар доирасида кенг нишонланмоқда.

Миробод туманидаги 154-мактабда ўтказилган тадбир «Фазал мулкнинг султони» деб номланди.

Тадбирда мактабнинг куй ва юқори синф ўқувчилари тайёрлаган дастурларини намойиш қилдилар. Дилбар куй ва қўшиқларга, жозибали рақсларга, турли саҳна кўринишларига бой бўлган дастурда ўқувчилар Навоий ва Бобур газалларидан парчалар ўқидилар.

Шунингдек, мактабда ҳар ойда бир марта чиқади-ган «Нуррафшон газетасининг навбатдаги янги сони йиғилганларга тақдим этилди. Тадбир доирасида ўқувчилар томонидан тайёрланган «Тасвирларда боболарим ижоди» деб номланган расмлар кўргазмаси ҳам намойиш қилинди. Тўққизинчи синф ўқувчилари ижросида «Хамса» ва «Бобурнома» асарларидан парчалар барчага манзур бўлди.

— Биз тарихимизни, қадриятларимизни қадрлайдиган маънавияти юксак халқимиз, — дейди 154-мактаб директори Муқаррам Мирхусанова. — Адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси Алишер Навоий ва Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари мактабимизда доимо ўзига хос тарзда нишонланади. Мактаб саҳнасида буюк сиймоларнинг образлари талқин этилиб, очик дарслар усулида ноанъанавий дарслар олиб борилади. Бунда ўқитувчилар ёшларга боболаримиз мероси, улар қолдирган нодир асарлар жамламаси, улларда тасвирланган образларнинг ҳаётий ибратлари ҳақида тўлиқ тушунчалар берадилар. Бугунги кун ёшларининг тийрақ нигоҳларида билимга чанқоқлик бор. Биз, ўқитувчилар уларнинг соф қалбларига, онгу шуурларига Навоий дostonларидидаги поклик, инсонийлик, меҳру муҳаббат туйғуларини, Бобур газалларидаги Ватанга муҳаббат, юрта садоқат, одамларга нисбатан чексиз соғинч ва меҳр тушунчаларини ўз таърибамизга, ҳаётий сабоқларимизга ва мустаҳкам билимимизга суянган ҳолда сингдириб боришимиз лозим. Чунки бугунги куннинг истиқболли порлоқ ёшлари буюк келажакимизнинг ҳақиқий эгалари, парвози баланд шунқорларидир.

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

Февраль ойининг илк кунлариданоқ улғу шоирларимиз Алишер Навоий ва Заҳририддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар жойларда ўтказила бошланди.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган «Битикларда дунё муҳассам» деб номланган маънавий-маърифий, илмий-амалий анжуман ҳам сермазмун ва қизиқарли ўтди.

Анжуманда институтнинг профессор-ўқитувчилари, магистрлар икки буюк зотнинг ҳаёти ва ижоди, улар қолдирган улкан маънавий-маърифий мерос, фазал ва дostonларидидаги нозик ташбеҳ ва таърифларнинг ёркин кўринишлари ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, Навоий ижодидаги мансуб «Хамса» дostonидаги ошқикларнинг қисмати, улар нигоҳидаги ҳалоллик, софлик, инсонийлик, севгига садоқат каби туйғуларнинг улғулини ҳақида мулоҳазали, мунозарали фикрлар ўртага ташланди. Бобур қаламига мансуб газаллардаги юрт ишқи, Ватан соғинчи, меҳру муҳаббат, айриликдаги аламларнинг азобли изтироблари яна бир бор тилга олинди.

Шундан сўнг талабалар ўзлари ёзган газаллари ва шеърларини йиғилганларга ўқиб бердилар. Шоирлар сиймосига бағишлаб тайёрланган бадиий кўргазма ҳам барчага манзур бўлди.

Гули ЧЕХРА

Таълим масканларида

БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Буюк мутафаккир, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таваллуд кунини олдида шахримиз қорхона, ташкилот ва муассасаларида турли-туман маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Айниқса умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида сермазмун тадбирларнинг ташкил этилаётгани кувонarli ҳолдир. Зеро, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига болаликдан сингдириб борилиши келажакда албатта ўз мевасини беради.

Ҳамза туманидаги «Ширинтой» номили 416-мактабгача таълим муассасасида ҳам буюк бобомиз Алишер

Навоий ҳаёти ва ижодида бағишланган ноанъанавий машғулот ўтказилди. Машғулот тайёрлов гуруҳида уюштирилиб, гуруҳ тарбиячиси Шохиста Қурбонова педагогик жамоа билан биргаликда Алишер Навоий туғилган кунига ноанъанавий байрам эрталлигини тайёрлаб болаларга намойиш этди. Очик машғулот «Боболаримиз изидан» деб номланди. Байрамда болалар Алишер На-

воий ижодидаги мансуб газаллар ва шеърларни ёд қилди. Тарбиячи болаларга Навоий бобомиз ҳақида ривоят айтиб берди. Болалар иштирокида «Нон иси» номли саҳна кўриниши кўрсатилди.

Ноанъанавий машғулот барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

И.ДИЛШОДОВ СУРАТДА: тадбирдан лавҳа



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес. МХА автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 03.08.2009 йилдаги №13025-сон ижро ҳужжат, асосан, 1992 йилда и/ч/к., дав.бел. 01 У 770 АА бўлган «Мерседес Бенц 190 Е» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 091 730 сўм. 2. 20.11.2009 йилдаги № 19844-сон ижро ҳужжат, асосан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав. бел. 30 У 8521 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 443 778 сўм. 3. 01.12.2010 йилдаги № 34032-сон ижро ҳужжат, асосан, 2007 йилда и/ч/к., дав.бел. 01 S 531 СА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 427 103 сўм. 4. 01.12.2010 йилдаги № 34032-сон ижро ҳужжат, асосан, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, дав. бел. 10 М 747 АА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 710 357 сўм. 5. 05.04.2010 йилдаги № 10440-сон ижро ҳужжат, асосан, 2009 йилда и/ч/к., дав.бел. 10 Н 8504 бўлган «Тойота Ярис» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 31 222 851 сўм. 6. 05.04.2010 йилдаги № 10440-сон ижро ҳужжат, асосан, 2005 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 30 О 5218 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 216 832 сўм.

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 2-90/10-сон ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 01 У 166 СА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 10 569 196 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ИИБ ЙХББ сақлаш майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 09.08.2010 йилдаги №2-123/10-сон ижро ҳужжат, асосан, 2005 йилда и/ч/к., дав.бел. 11 Х 4831 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 330 104 сўм 2. 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро ҳужжат, асосан, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 С 807 АО бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 048 240 сўм. 3. 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро ҳужжат, асосан, 2009 йилда и/ч/к., дав.бел. 10 У 232 АА бўлган «Нексия Д 150» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 17 832 982 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1.19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчасида жойлашган № 71-сонли гараж, бош. нархи – 1 248 726 сўм. 2. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Қодиров кўчасида жойлашган 3 та яшаш хонасида иборат бўлган 9-уй, 6-хонадон (уй), бош. нархи – 27 868 736 сўм., 4. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мўминова кўчасида жойлашган 1 та яшаш хонасида иборат бўлган 3-уй, 14-хонадон (уй), бош. нархи – 21 063 782 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 22.11.2010 йилдаги № 1014/16129 ва 11.01.2011 йилдаги 1090/22-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Қодиров кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 360 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда, бош. нархи – 100 000 000 сўм.

Аукцион савдосига 2011 йилнинг 10 март кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқори-

даги автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 31 март кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 24 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Сергели тумани «143-сон автобаза» худудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 01.06.2009 йилдаги № 2919/18-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 10 У 2027 бўлган «Ваз-21063» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 876 952 сўм. 2. 01.06.2009 йилдаги № 12469/6-сон ижро ҳужжатига асосан, 1996 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 11 С 7000 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 032 592 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри ИИББ Ахборот марказида сақланаётган 10.08.2010 йилдаги № 9567/1-сон ижро ҳужжатига асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 01 Q 768 АА бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 5 234 022 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКАТБСнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотeka банкнинг Шайхонтохур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида Бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали сизга шунини маълум қилади.

Тузатиш: 2011 йил 29 январдаги № 9-сон «Тошкент ҳақиқати» ва 2011 йил 1 февралдаги № 22-сон «Тошкент оқшомини» газеталарида эълонга берилган Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 15.09.2010 йилдаги 1-2638/10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Миробод тумани

Миллатимизнинг миллий қадрияти бўлган кураш Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли жаҳон спортга айланди. Бугунги кунда спортнинг бу тури дунёнинг беш қитъасидаги 120 дан ортиқ давлатларида ривожланмоқда. Бундай самарали ишларни амалга оширишда, Кураш халқаро Ассоциациясининг тўлақонли аъзоси саналган Ўзбекистон кураш федерациясининг алоҳида хизматлари бор.

Ўзбекистон Кураш федерацияси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси соғлом турмуш тарзини тарғибот-ташвиқот қилиш, кураш спортини ёшлар ҳаётига сингдириш, чет мамлакатлар федерациялари, халқаро федерациялар, бирлашмалар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашдан иборатдир.

Ўтган йиллар давомида федерация ўз мақсади билан келиб чиққан ҳолда кўплаб кураш мусобақаларини ташкиллаштиришга эришди ва бу орқали ёшларни соғлом турмуш тарзига тарғиб қила олди. Ўзбек миллатининг азалий анъанаси саналган «Ислом Каримов» Халқаро турнири бошлаб берди. Вьетнамдаги минтақавий халқаро турнирда полвонларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Турсун Али Мухаммад таваллудининг 60 йиллиги муносабати

билан пойтахтимизда ўтказилган «Пахлавон» Республика очик турнирида ҳам полвонларимиз нималарга қодир эканликларини яна бир бор намоян этдилар. Буюк Британиянинг Кент шаҳрида бўлиб ўтган VIII «Ислом Каримов» Халқаро турнирида яна бир қанча чемпионларни кашф қилдик.

Кураш МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗ ҚИТЪАЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Кўплаб Осиё ва жаҳон чемпионлари иштирок этган мусобақада Фурқат Мамаатов, Шерали Жўраев, Олим Равшанов ва бир қанча ёш полвонларимиздан таркиб топган терма жамоамиз 11 та олтин, 6 та кумуш медални қўлга киритди. 46 ёшдан юқори бўлган Фахрий полвонлар ўртасида кечган турнирда эса, Мамадали Норов ва Севара Дехқонова олтин медалларнинг соҳиблари бўлди. Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежидан 1995-1996 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида республикамизнинг 11 та вилоятидан 400 дан ошми ёшлар кураш майдонига чиқди ва 16 та вазнда ўзаро беллашди. Ғолибларга Осиё ва жаҳон чемпионатларида йўлланма берилди. Жумладан федерациямиз Республика «Маҳалла» жамғармаси

ва унинг шаҳар бошқаруви билан ҳамкорликда бир неча йиллардан бери «Маҳалламиз полвонлари» мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиб келмоқда.

Спортчи учун энг аҳамиятли мусобақалар сирасига кирадигани — жаҳон чемпионатларидир. 16-17 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Дехли шаҳридаги «Талькатора» спорт мажмуасида кураш бўйича Ёшлар ўртасида олтинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иқтидорли ёш курашчиларимиз иккита олтин, иккита кумуш ва саккизта бронза медалларини қўлга киритдилар. Айниқса Жасур Мусаҷоновнинг маҳорати таҳсинга сазовор бўлди. У 90 кг вазнда гиламга тушиб олтин медални терма жамоамизга туҳфа этди.

Диёримиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган полвон чемпионларимиз — Абдулла Тангриев, Сухроб Худойбердиев, Шерали Жўраев, Мамадали Норов, Олим Равшанов, Фурқат Мамаатовларнинг номлари барча қитъаларда баралла янграмоқда. Ўтган йил давомида федерациямиз минглаб ёшларни курашга жалб этди ва иқтидорли ёшларни кашф қилди. Айниқса қизлар ўртасида ушбу спорт турининг кенг таракқий этиши янги Барчиноларнинг етишиб чиқишига замин яратмоқда. Албатта, ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам учраб туради. Аммо биз келгусида янада шиддатлироқ ва эпчилроқ бўлишга, курашчиларимизнинг янги-янги зафарларга эришишига замин яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳа миллий спорт туримиз довуғи дунёларни забт этмоқда. Унга ҳар қандай таъриф ҳам камдек. Зеро миллий қадриятларимизни қамраб олган, ҳалолликни шиорига айланган курашнинг нечоғлик аҳамиятли спорт тури эканлигини бугун бутун дунё мамлакатлари тан олмоқда. Ўзбекистон Кураш федерацияси томонидан олиб борилаётган ишлар эса буни янада теранроқ англаб олишга ёрдам беради.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан дунё мамлакатлари чемпионатларининг рейтинг натижалари эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон чемпионати 63-ўринни эгаллади. Осиёда эса мамлакатимиз чемпионати Япония, Австралия, Жанубий Корея, Эрон ва Хитой чемпионатларидан сўнг олтинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Жумладан, терма жамоамиз ҳимоячиси Шавкат Муллажонов билан Осиё чемпионати якунланганидан сўнг Қатарнинг «Ал-Аҳли» жамоаси шарафини ҳимоя қилиш юзасидан шартнома имзоланди.

Кунги кеча айрим матбуот нашрлари тарқатган хабарга кўра Ўзбекистон терма жамоасининг моҳир футболчиларидан бири, «Пахтакор» командаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедовга Махачқалъанинг «Анжи» клуби раҳбарияти қизиқиш билдирган, аммо ҳозирча клуб раҳбарияти Одил Аҳмедов би-

Жорий йилнинг январь ойида Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мусобақаларидан сўнг миллий терма жамоамиз аъзоларига хоржиликлар томонидан катта қизиқиш билдирилаётгани қувонарли ҳолдир.

АХМЕДОВ «ПАХТАКОР»ДАН КЕТАДИМИ?

лан шартнома имзоланмаганлигини маълум қилган. Янги мавсумда Одил «Пахтакор» сафида ўйнайдими ёки «Анжи»

командаси шарафини ҳимоя қилади, ҳарқалай буни вақт кўрсатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Кўргазмалар

АЖДОДЛАРИМИЗНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудига бағишлаб истеъдодли рассом Темура Саъдуллаевнинг «Аждодларимизни хотирлаб» мавзусида шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазманинг очилиш маросимида таниқли адабиётшунос олимлар, санъатшунослар, рассомлар ҳамда шоир ва ёзувчилар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан филология фанлари доктори, академик Азиз Қасимов Темура Саъдуллаевнинг Алишер Навоий асарларига ижодий ёндашиб, катта маҳорат билан катор бадий асарлар яратганлигини, уларда Ватанни севиш, ҳаётга муҳаббат, аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросни зўр маҳорат билан талқин этганлигини таъкидлади.

Кўргазма экспозициясидан рассомнинг 30 га яқин асарлари ва беазаган китоблари ўрин олган. Темура Саъдуллаев Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидаги «Расм ва

чизмачилик» факультетидан таҳсил олиш билан бирга Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида рассом сифатида иш фаолиятини бошлаган. Музейда ишлаш жараёнида «Навоий лирикаси» мавзусида диплом ишини аъло баҳога ёқлаган. Шундан кейин унинг ҳақиқий маънодаги ижод билан шуғулланиш даври бошланди. 1989 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси Кўлэмалар институтининг музей бўлимида бадий безакчи бўлиб ишлади. 1989 йилдан 2004 йилгача Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриётида, «Соғлом авлод учун» жур-

налида рассом, бадий муҳаррир лавозимларида фаолият олиб борди. 2005 йилдан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида рассом бўлиб ишламоқда. — Мен тасвирий санъатнинг уч йўналишида — рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, китоб графикаси санъатида ижод қилиб келяпман, — дейди Темура Саъдуллаев. — Устозим Чингиз Аҳмаров билан бирга Самарқанддаги «Юлдуз» чойхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси санъатшунослик институти биноси, Бухорода Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройини деворий сурат-

лар билан беазаганман. Шу билан бирга Навоий ижодига катта қизиқиш билан қарайман. Аллома асарларидан илҳомланаман.

Рассомнинг Ибн Синонинг 1000 йиллиги муносабати билан «Афсона» чойхонасига тўққизта деворий суратлар туширилганлиги, Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллудига бағишлаб Адабиёт музейининг «Хамса» зали деворларида бешта деворий рангтасвир паннолар композициясини яратганлиги кўпчиликка маълум. Темура Саъдуллаев китоб графикаси ва безак соҳасига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. У Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг икки жилдлик китобларини нақшли безаклар билан нашрга тайёрлаган, бир неча халқ достонларига бағишланган иллюстрациялар ишлаган.

Темура Саъдуллаев 1980 йилдан Ўзбекистон бадий академиясининг аъзоси. 2000 йилда буюк аждодларимиз сиймосини яратганлиги учун «Офарин» — йилнинг энг яхши ижодкори республика танловининг ғолиби бўлган. 2008 йилда эса Ўзбекистон Бадий академиясининг кумуш медалига сазовор бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаш керак, Адабиёт музейи ва Темурийлар тарихи Давлат музейида рассом мўйқаламига мансуб қатор асарлар намойиш этилган. Яна кўплаб асарлари Бадий кўргазмалар дирекцияси фондида, Ўзбекистондаги ва чет мамлакатлар шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

27 ФЕВРАЛДА
МОСКОВСКИЙ
ЦИРК
ЭВЕРЕЙ

Касса Тел.: 244 32 23. www.sirk.uz

«Rudomaxo'lovchuyuktrans» МЧЖига «Ўзавтодарё-транс» агентлигининг, Тошкент шаҳар бўлими томонидан берилган АТ № 0809486, АТ № 0772649, АТ № 0743451, АТ № 0456196 сонли, Тошкент шаҳар йўловчи ташишни ташкил этиш департаменти томонидан берилган АТ № 0033456 сонли лицензия варақалари мuddати туғадиганлиги ва йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

ИБРАТ ҲАҚИДА

Йўл кўрмаган йўлда озар, Кун кўрмаган кунда озар.

Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, Гап қувлаган балога йўлиқар.

Кўнгил кинин айтса кетар, Кўлнинг кинин ювса кетар.

Кўнгил кўтармоқчи бўлсанг, Дарё бўйига бор!

Кўп гапирган — бозор, Кўп юрган озор.

Кўп гап — эшакка юк.

Кўпни кўрган кўп билар.

Кўп юрган кўп кўрар.

Кўрганинган кўп экан кўрмаганин, Билганинган кўп экан билмаганин.

Кўрганин кўзингга фойда.

Минг кўшчига бир бошчи.

Миннатли ошдан беминнат мушт яхши.

Нафсини тийган султон бўлар.

Нимани қилсанг хор, Шунга бўласан зор.

Одамнинг юзи офтобдан иссиқ.

Аввал ўз айбингни бил, Кейин бировдан кул!

Адашгани йўлга сол!

Аламдан сўнг ачинма!

«Ана-мана» дегунча, Яхши-ёмонни билгин!

Аччиқ савол бериб, Ширин жавоб кутма!

Ақлинг бўлса, Бир кун илгари ҳаракат қил!

Билмаган ишга уринма, Уриниб тузоққа илинма!

Билмасанг — баҳслашма!

Бир, каттанин гапига кир, Бир — кичикнинг!

(Давоми бор)



Тошкент шаҳрида 9 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғиб, қор ёғади. Ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат — 0-2 даража совуқ, кундузи — 3-5 даража илқ бўлади. Республика ҳудуди бўйича 9 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда вақти-вақти билан ёғиб, қор

ёғади. Тоғли ҳудудларда қор кўчиши мумкин. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 3-5 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра 9 февраль кунини Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имкониёт ярашади. Атмосферани ифлосланиш даражаси 1-3 фойпасайиши тахмин қилинмоқда тағмиқдори паст бўлади.



**Бош муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4581 нусса босилади.
Қоғоз ёнғини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
басмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5